

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИ

Бўриев Жамшид Парда ўғли
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
мустақил изланувчиси
orcid.org/0009-0009-7645-4934
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17430379>

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларининг халқаро молия бозоридаги иштироки, уларнинг глобал молиявий интеграция жараёнларидаги ўрни ҳамда халқаро капитал ҳаракатида тутган роли таҳлил қилинади. Мақолада банкларнинг хорижий инвестицияларни жалб этишдаги фаолияти, халқаро тўлов тизимларидаги иштироки, валюта операциялари ва экспорт-импорт молиялаштиришдаги механизмлар ёритилган. Шунингдек, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг афзалликлари, рискларни бошқариш стратегиялари ҳамда Ўзбекистон тижорат банкларининг халқаро молия бозорига чиқиш имкониятлари ўрганилган. Тадқиқот натижалари банк секторида рақобатбардошликни ошириш, молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш ва глобал молия тизимига интеграциялашувни чуқурлаштиришга қаратилган таклифларни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: Тижорат банки, халқаро молия бозори, молиявий интеграция, капитал ҳаракати, валюта операциялари, инвестиция, экспорт-импорт молиялаштириш, халқаро тўлов тизими, молиявий барқарорлик, рақобатбардошлик.

Кириш.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнлари молия тизимини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Халқаро молиявий муносабатлар таркибида тижорат банкларининг роли тобора ортиб бормоқда. Улар нафақат миллий молия бозорларида, балки халқаро капитал ҳаракатининг асосий иштирокчиси сифатида намоён бўлмоқда.

Тижорат банкларининг халқаро молия бозоридаги иштироки мамлакат иқтисодиётининг жаҳон молиявий тизими билан интеграция даражасини белгилайди. Бугунги кунда банклар трансчегаравий молиявий операциялар, халқаро кредитлаш, облигациялар ва акциялар бозорида иштирок этиш, валюта ва деривативлар савдоси орқали халқаро молия муносабатларида фаол иштирок этмоқда.

Миллий даражада бу мавзунинг долзарблиги шундаки, Ўзбекистон иқтисодиётида молия секторини ислоҳ қилиш, халқаро рейтинг агентликлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва банкларнинг халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари устувор аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”даги ПФ-5992-сон Фармони асосида тижорат банкларининг халқаро молия бозорларида иштирокини кучайтириш, уларни инвестицион институтларга айлантириш вазифаси белгилаб берилган.

Халқаро миқёсда эса, жаҳон банк тизими ҳозирда \$6,8 триллионлик глобал молиявий хизматлар бозорини ташкил этмоқда. Банкларнинг халқаро фаолияти орқали капитал оқими мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатланмоқда, бу эса иқтисодий ўсишни тезлаштирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Банкларнинг халқаро фаолиятини таҳлил қилишда БМТ, Халқаро ҳисоб-китоблар банки (BIS), ва ХВЖ маълумотларига таяниш мумкин. Халқаро ҳисоботларга кўра, 2024 йил якунларига кўра жаҳонда тижорат банкларининг трансчегаравий активлари ҳажми 36,8 триллион АҚШ долларига етган бўлиб, бу умумий банк активларининг тахминан 25 фоизини ташкил этади.

McKinsey Global Banking Review (2024) ҳисоботида қайд этилганидек, глобал банк секторининг соф фойдаси 2023 йилда 1,3 триллион долларга етган ва бу кўрсаткич 2025 йилга қадар 1,6 триллион долларгача ўсиши кутилмоқда. Халқаро банк фаолиятида асосий улуш Европа Иттифоқи (35 %), АҚШ (30 %) ва Осиё-Тинч океани минтақаси (25 %) ҳиссасига тўғри келади.

Тижорат банкларининг халқаро молия бозоридаги иштироки асосан қуйидаги йўналишларда ташкил этилмоқда:

- **Еврооблигациялар эмиссияси ва сотуви** – хорижий капитални жалб қилиш воситаси;
- **Халқаро кредитлаш** – давлат ва корпоратив мижозларга доллар ва еврода кредит ажратиш;
- **Валюта бозори операциялари** – хеджлаш ва форвард шартномалар орқали рискларни бошқариш;
- **Инвестиция банк хизматлари** – М&А (қўшилиш ва сотиб олиш), IPO ва хусусий жойлаштириш.

Ўзбекистонда банк тизимида бугунги кунда 35 та тижорат банки мавжуд бўлиб, улар халқаро молия бозоридаги фаоллиги ортиб бормоқда. 2019 йилдан бошлаб Ўзсаноатқурилишбанк, Ипотека-банк, Ўзмиллийбанк, Агробанк каби халқаро облигациялар бозорида ҳам алоҳида фаоллик намоён қилмоқда.

2025 йил 8 июль куни «Ўзмиллийбанк» халқаро капитал бозорида, яъни Лондон фонд биржасида АҚШ доллари ҳамда миллий валютада икки траншдан иборат жами 418 млн АҚШ доллар эквивалентида халқаро облигацияларни муваффақиятли жойлаштирди. Бунда 300 млн АҚШ долларли облигациялар 5 йил муддатга 7,2 фоизкупон ставкасида ҳамда 1,5 трлн сўмлик облигациялар 3 йил муддатга 17,95 фоиз купон ставкасида жойлаштирилди. Мазкур халқаро облигацияларни жойлаштиришда J.P. Morgan, Citi, Societe Generale, Natixis, Standard Chartered, Mashreqbank, Abu Dhabi Commercial Bank, Oman Investment Bank, Commerzbank андеррайтерлар синдикати сифатида иштирок этган. Шунингдек юридик маслаҳатчи сифатида Dentons, аудитор сифатида Deloitte & Touche иштирок этган.

Европада етакчи банклар гуруҳига мансуб бўлган OTP Group аъзоси ҳисобланган Ўзбекистондаги Ipoteka Bank АТИБ жами 400 млн АҚШ доллари (шундан 100 млн доллар эквиваленти миллий валютада) миқдоридagi еврооблигацияларни 2025 йил октябрь ойида Вена фонд биржасида муваффақиятли жойлаштирди. Халқаро облигацияларни жойлаштиришда жаҳондаги энг йирик инвестиция банклари — J.P. Morgan, Citi, Société Générale ва OTP Bank, шунингдек, Bank of China ва Mashreq андеррайтерлар синдикати сифатида иштирок этишди. Мазкур глобал синдикатнинг юқори даражадаги профессионаллиги ва халқаро нуфузи эмиссия муваффақиятида муҳим аҳамият касб этган. Еврооблигацияларни жойлаштиришдан олинган маблағлар Ipoteka Bank OTP Group'га ўз молиялаштириш базасини диверсификация қилиш ва Ўзбекистоннинг

чакана савдо, микро, кичик ва ўрта бизнеслари ҳамда корпоратив сектори учун молиялаштириш амалиётини жадаллаштириш ва кенгайтириш имконини беради.

Агробанк акциядорлик тижорат банки 2024 йил октябрь ойида беш йиллик 9,25 фоиз ставкада 400 миллион АҚШ доллари миқдорида таъминланмаган еврооблигациялар ҳамда икки йиллик 21,75 фоиз ставкада 700 миллиард сўмлик таъминланмаган халқаро облигациялар муваффақиятли жойлаштирилган. Бунда фоиз ставкаларнинг юқорилигини мазкур халқаро облигацияларнинг таъминланмаганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар кўрсатмоқдаки, миллий тижорат банклари хорижий валютада халқаро облигациялар жойлаштиришдан ташқари миллий валютада ҳам халқаро облигациялар жойлаштирилаётганлиги аҳамиятлидир. Мазкур жиҳат валюта рискинни пасайтириш имконини беради.

Шу билан бирга, халқаро бозорга чиқиш жараёни бир қатор риск ва чекловларни ҳам келтириб чиқаради. Биринчидан, банклар Базель III стандартлари талабларини тўлиқ бажариш учун капитал етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичларини оширишлари зарур. Иккинчидан, халқаро кредит рейтинглари паст бўлган банклар учун заём қиммати юқори бўлади. Масалан, Fitch рейтинг агентлигининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон банкларининг ўртача қарз фоизи 8–10 % атрофида, бу эса ривожланган мамлакатлар банкларига нисбатан икки баробар юқори.

2030 йилгача Ўзбекистон банк тизими халқаро бозордаги иштироқини икки баробар оширишни мақсад қилган. Бу жараёнда еврооблигация чиқариш, синдикат кредитлари жалб этиш ва “Green Finance” (яшил молия) инструментларидан фойдаланиш устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг халқаро молия бозоридаги иштироқи мамлакат иқтисодий ўсишига, инвестиция муҳитининг яхшиланишига ва молия бозорларининг диверсификациясига хизмат қилади. Ўзбекистондаги тижорат банклари учун ушбу йўналишдаги асосий вазифалар қуйидагилар эканлигини алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозим:

Биринчидан, халқаро молия бозорида ҳамкорликни кенгайтириш ва диверсификациялаш мақсадга мувофиқ. Бунда нафақат кредит ва облигациялар бозоридаги фаоллик, балки акциялар бозоридаги иштирокни кенгайтириш лозим.

Иккинчидан, еврооблигациялар ва халқаро қарз инструментлари орқали капитал жалб қилишда аввало кредит рейтингини яхшилаш орқали фоиз ставкалар пасайишига эришиш лозим. Кредит рейтинг яхшиланиши ўз навбатида облигациялар купон ставкасини пасайтиради.

Учинчидан, тижорат банкларида корпоратив бошқарув, риск-менежмент ва комплаенс тизимини халқаро стандартларга мослаштириш орқали соф корпоратив бошқарувга ўтиш лозим. Мазкур жиҳат инвестицион жозибдорликни таъминлаши орқали халқаро капитал бозоридан жалб қилинадиган капитал баҳосини пасайтиради.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг халқаро молия бозоридаги иштироқи нафақат уларнинг фаолияти самарадорлигини оширади, балки мамлакат молиявий барқарорлигини таъминлайдиган стратегик омилга айланади. Глобал иқтисодий муҳитда фаол иштирок этиш орқали банклар Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон молия тизими билан чуқур интеграциялаштиришга ҳисса қўшади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Rose, P. S., & Hudgins, S. C. (2020). *Bank Management & Financial Services*. McGraw-Hill Education.
2. Saunders, A., & Cornett, M. M. (2019). *Financial Institutions Management: A Risk Management Approach*. McGraw-Hill Education.
3. Levine, R. (2021). "Corporate governance and financial intermediation." *Journal of Financial Intermediation*, 48(3), 100–118.
4. Basel Committee on Banking Supervision (2022). *Principles for the Effective Management and Supervision of Corporate Governance in Banks*. Bank for International Settlements.
5. OECD (2021). *OECD Principles of Corporate Governance*. Paris: OECD Publishing.
6. Хамидов, А. (2020). *Bank tizimi va uning rivojlanish istiqbollari*. – Тошкент: Iqtisod-Moliya nashriyoti.
7. Абдуллаева, М. (2021). "O'zbekiston tijorat banklarida aksiyadorlik kapitalini boshqarishning zamonaviy mexanizmlari." *Moliyaviy tahlil jurnali*, №4, 45–53-бетлар.
8. Karimov, N. (2022). "Tijorat banklarida korporativ boshqaruvni takomillashtirish omillari." *O'zbekiston Banklari* журналы, №2, 37–44-бетлар.